ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

ISBN 978-9943-4715-5-9

108.1	Ибрагимова Э.Р.	Илмий-педагогик тадқиқотларни амалга ошириш босқичлари	
109.1	Абдурахмонов А.	Шарқ перепатитизм таълимотининг табиий, илмий-фалсафий ғоялар ривожидаги ўрни	
110.1	Мусаев У.С.	Мантикий тафаккурни шакллантириш ахамияти	
111.1	Мамажонов О..	Саудия арабистонининг жаҳон сиёсатида тутган ўрни	
112.1	Ибрагимова Э.Р.	Шахсни касбга йўналтиришнинг педагогик-психологик асослари	
113.1	Содикова Ш. Реймбергенова З.	Зоология фанида инновацион методларни қўллаш	
114.1	Хўжаева М.	Ўзбекистонда ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва хориж тажрибаси	
115.1	Мирзаева М.А.	Талабаларда нутк маданиятини шакллантиришда матннинг роли	
116.1	Карамян М.Х. Исраилова К.Д.	Педагогические аспекты формирования правильного пищевого поведения у детей и подростков	
117.	Исмаилова Р.С.	Современные педагогические технологии как объективная потребность	
118.1	Рўзиматов Э.Й. Ибадуллаева Г.Ш.	Ёзув инсониятнинг буюк кашфиёти	
119.1	Мавлонова М	Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ижтимоий ходимнинг роли	
120.1	Мирсобитова М.	Ижтимоий ишда тиббиёт ходимларининг роли	
121.1	Xursanoy Mamadjon qizi	Shaxsning o'zini o'zi anglash jarayonida "men" konsepsiyasi	
122.1	Рахматиллаев Н.	Ижтимоий ишда оилалар билан ишлаш ва оила муаммолари	
123.1	Рўзиматов Э.Й. Хайруллаева М.	Глобаллашув жараёнлари ва оммавий маданиятнинг бугунги ёшлар ҳаётидаги ўрни	
124.1	Тулкинбоева Д.Д.	Понятие «воспитание» в широком и узком смысле	
125.1	Юлдашева К.	Даун синдромидаги болалар билан мажмуавий (комплекс) ишлаш механизми	
126.1	Erkinjonova O. Jo'rabekova N.T	Pedagogika faniga zamonaviy yondashuvning ta'lim samaradorligidagi o'rni	
127.1	Абдуллаева А.	Бола шахсининг ривожланишидаги оиланинг ижтимоий педагогик-психологик томонлари	
128.1	Имомназарова Ю.	Фарғона водийси қорақалпоқларига оид айрим маълумотлар	
129.1	Рўзиматов Э.Й. Кобилжонова М.	Дунё мўжизалари инсоният нигоҳида	
130.1	Рузматова Д.	Гегель ахлоқий эркинлик ҳақида.	
131.1	Рўзиматов Э.Й. Солиева Б.Б.	Ёшларга оид давлат сиёсати баркамоллик кафолати.	
132.1	Рўзиматов Э.Й. Фозилова М..	Аждодларимиз мероси комиллик кафолатидири	
133.1	Ниязова Ш.	Олий таълим ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг асосий йўналишлари.	
134.	Маликова К.	Ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш	
135	Шарипова Н.М.	Бошланғич синфларда синфдан ташқари машғулотларни ташкил қилиш орқали ўқувчилар фикрлаш қобилиятини ўстириш	

ГЕГЕЛЬ АХЛОҚИЙ ЭРКИНЛИК ҲАҚИДА

Рузматова Д. – ЎзМУ талабаси

Гегелнинг (1770-1831) "Руҳ феноменологияси" ва "Ҳуқуқ фалсафаси" асарларида этиканинг асосий масалаларига қарашлари баён этилган. Гегель ахлоқнинг тарихий характерини эътироф этиб ахлоқни ҳар бир тарихий даврда янада юқорироқ босқичга кўтарилиш тенденциясига эга эканлигини таъкидлаб, ахлоқий прогресс тўғрисидаги масалани ҳал қилишга тўғри ёндашади.

Гегель инсон хатти-ҳаракатлари ва ниятларининг табиати муаммосини диалектик ҳал этади, шахс хулқини баҳолаш асосида мотивлар-сабаблар ҳам, натижалар ҳам ётиши лозимлигини таъкидлайди. Файласуфнинг бу фикри тўғри эди. У майл инсоннинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари асосида ётади деб кўрсатади. Одамнинг маънавий дунёси унинг хатти-ҳаракатларини, фаолиятини белгилайди. Шунга мувофиқ индивиднинг ахлоқий ишончи, тасаввури қандай бўлса, унинг хатти-ҳаракатлари ҳам шундай бўлмоғи керак. Файласуфнинг бу фикри ҳам диққатга сазовордир.

Гегель этикасидаги асосий, бош категориялар "виждон", "яхшилик", "ёмонлик" категорияларидир. Яхшилик – киши шахсий, индивидуал ахлоқининг умумий ирода билан гармоник узвий бирлигидир. Ёмонлик – шахс иродаси умумий иродага мос келмаган чоғда вужудга келади. Файласуф яхшилик ва ёмонликни умумий ироданинг ажратиб бўлмайдиган бир-бирига ўтадиган, бир-бирини инкор этадиган томонлари сифатида қарайди. "Ёмонлик, - дейди у, - яхшиликка ўхшаб, иродада ўз манбаини топади, ирода эса ўз маъносида яхшиликни ифодаласа, ёмонликни ҳам шу қадар ифодалайди". Гегель ёмонлик муаммосини муфассал текшириб чиқди, унинг тарихий ролига тўғри ёндашди, яъни ёмонлик тарихий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи намоён бўладиган шаклидир, деб таъкидлайди. Шунингдек, унумдор меҳнатнинг юксак ахлоқийлигини эътироф этишини, ирода эркинлиги ҳақидаги таълимотидан эркин ирода билан ўзбошимчаликни қатъий чегаралаб қўйган фаразларини ҳам юксак баҳолаш мумкин.

Гегель назарида, ирода эркинлигининг ўзбошимчалик босқичини инкор этиб, чинакам онгли ирода босқичига кўтарилиши лозим. Бунда у фақат шакли билангина эмас, балки мазмуни ҳам эркин бўлади, заруриятни англайди. Файласуф объектив заруриятни эътироф этиш билан бирга хатти-ҳаракатларнинг хилма-хиллигини инкор қилмайдилар. Умумий ижтимоий-тарихий зарурият доирасида ҳар бир киши учун танлаш эркинлиги бор ва ирода эркинлигини ҳам кўрсата олади. Танлаш эркинлиги жамият ва кишининг ривожланиш эҳтиёжларига мос келадиган, қарор топган ёки шаклланаётган муайян ахлоқий муносабатларни танлашдир. У кишининг онгли танлаш қобилиятидан иборат. Қарор қилиш акти танлашнинг энг муҳим элементларидан биридирки, кишида ирода эркинлиги бўлмаса, бу элемент ҳам бўлмайди. Аммо ирода эркинлигининг аҳамияти қарор қилиш акти билан чекланмайди. У қабул қилинган қарорни амалга оширишда катта рол ўйнайди. Ирода эркинлиги кишини ўз қарорини амалга оширишга фаоллаштириб, танлашни якунлайди. Танлаш эркинлиги эса умуман, унинг барча хатти-ҳаракатлари билан боғланади.

Ирода эркинлиги – шахснинг, умуман, ўз хатти-ҳаракатлари, фаолияти, хулқини танлашда объектив мавжуд бўлган ахлоқий талабларни билиши ва улардан оқилона фойдаланишидир, бу шахснинг ўз фикрлари, ҳислари, майллари устида назорат қилиш қобилиятидир. Ирода эркинлиги ҳамиша биринчи томондан танлаш учун реал имкониятлар борлигини тушуниш, яъни танлаш эркинлигини, иккинчи томондан қабул қилинган қарорга эришишга қаратилган муайян интилишни, иродани ўз ичига олади.

Эркинлик ва ирода қарор қилиш актининг зарур элементлари бўлиб, оқибат натижада танлаш ҳам унга боғлиқдир. Танлаш ҳар куни, ҳар дақиқада мавжуддир: масалан, қайси томон ўтсам экан, шу ҳаракатга қўшилсаммикан, ёки бетараф бўлганим маъқулми, қандай яшамоқ керак, нима қилмоқ лозим, қаерга ўқишга кирсам экан ва ҳ.к. Кишига кўп вақт бир қанча, баъзан жуда кўп ахлоқий ҳолатлардан бирини танлашга тўғри келади.

Киши танлаш эркинлигидан фойдаланиб, ўз нуқтаи назарини бошқаларнинг қараши билан солиштиради, ўйлайди, мунозара қилади, ўз қарашларини ҳимоя қилади. Танлаш афзал деб билишда фойдаланади. Имкониятлар кенглиги -- эркинлик даражасидир. Агар кишида танлаш имконияти бўлмаса ахлоқий фаолият ҳам бўлмайди.

Агар халқда нисбий танлаш эркинлиги, нисбий ирода эркинлиги бўлмаса ахлоқ тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Тўғри қарор танлашда тафаккур билан қўлга киритилган табиат ва ижтимоий ҳаётнинг объектив қонунлари, аждодлар тажрибаси, шахсий амалиёт, дўстлар маслаҳати, қонун-қоидалар тўплами кишига ёрдам беради. Қабул қилинган қарорни амалга ошириш – уни ривожлантириш шарт-шароитини ҳам, ирода эркинлиги ҳам, яъни ахлоқий эркинликни талаб қилади.

Шундай қилиб, ахлоқий эркинлик ирода эркинлигининг намоён бўлиши объектив шароитларга ва субъектив истакларга жавоб берадиган фаолият вариантини танлаш имкониятидир. Бу мавжуд муқобил фаолиятдан исталган бирини, асосан дунёни инқилобий ёки эволюцион йўл билан янгилаш манфаатларига кўпроқ даражада жавоб берадиган фаолиятни танлаб олиш ва амалда воқе қилиш мумкин бўладиган фаол ҳолатдир.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ БАРКАМОЛЛИК КАФОЛАТИ.

РЎЗИМАТОВ Э.Й. – ЎзМУ катта ўқитувчиси,
СОЛИЕВА Б.Б. - ЎзМУ талабаси

Бугунги кунда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш умум миллий, умумдавлат миқёсидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифа саналади. Бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларимизни изчил ва қатъиятлилик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турибди. Ҳақиқатан ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага катта ва узлуксиз эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ҳар бир мақола ва асарларида юксак маънавият келажак пойдевори эканлигини қайта-қайта таъкидланган. "Зеро, деб уқтиради Ислом Каримов, биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз".

Мустакиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва ҳозирги кундаги тараққиётимиздан маълумки, юксак маънавият, ҳар бир инсоннинг маънавий камолоти, ички дунёсининг бой ва гўзал бўлиши мулкчиликни ривожлантириш, ишбилармонлик ва иқтисодий ислоҳотлар, олиб борилаётган барча ишларимизнинг асоси сифатида намоён бўлмоқда. Ватанпарварлик, миллий ифтихор, она-юрт билан фахрланиш, ҳар қандай шароитда ҳам ана шу замин, ана шу халқ, учун фидойиликка тайёр туриш орзу-истаги эса давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баробарида ёшларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш амалий аҳамиятга ҳам эга. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда "мамлакатимиз аҳолисининг тахминан 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ёшлар, 64 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади." Аҳолининг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларнинг ҳали бери ечилмаган муаммоларига эътибор қаратиш, уларни ҳаётимизда том маънода ҳал қилувчи кучга айлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасини биринчи Президенти Ислом Каримовнинг раҳнамолигида " 1991-йилнинг 20 ноябридаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун шунингдек, 2014 йил 6 февраль ПҚ-2124-сонли "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга